ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ШОВОТ ТУМАНИ
КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
XALQ DEPUTATLARI
SHOVOT TUMANI
KENGASHI
QARORI

Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221000 Шовот шаҳарчаси, Туркистон кўчаси-73
Телефон: (0-362) 345-13-64, 345-36-87. Факс: (0-362) 345-13-52

2019 йил «18» декабрь №63-228 *Шовот ш.*

2020 йил учун туман маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимовчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлар кенгайтирилди.

Қонуннинг 18-моддасига асосан, 2020 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Хоразм вилоят Шовот туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "2020 йил учун Хоразм вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 52-209-сон қарорига мувофиқ, 2020 йилги Шовот туман маҳаллий бюджетига вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 49,6 млрд. сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонуннинг 19-моддасига асосан қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари

томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

3. Хоразм вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "2020 йил учун Хоразм вилоятининг маҳаллий бюджети тўғрисида"ги 52-209-сонли қарорининг 4-иловасига асосан қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ва туман бюджети ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага беришдан тушадиган даромадлар;

айланмадан солиқ.

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

4. Қонуннинг 21-моддасига асосан, туман маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари туман бюджети ҳисобидан амалга оширилади);

б) туман бюджетидан:

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

давлат санитария-эпидемиология назорати марказини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

5. 2020 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. 2020 йил учун туман бюджети заҳира жамғармаси ҳажми 4-иловага мувофиқ белгилансин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. 2020 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорилари йиллик иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов миқдорларидан вилоят бюджетидан ажратилган трансфертнинг 50 фоизи айирилгандан қолган маблағнинг 2 фоизи миқдорида белгилаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси

Президенти қарори лойиҳасида назарда тутилаётганлигини инобатга олиб туман бюджети 2020 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 5-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар шаҳар ҳокимининг таклифига асосанбиринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилиниши белгилансин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

11. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритсин.

12. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Халқ депутатлари туман Кенгашига киритилишини таъминласин.

13. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Халқ депутатлари туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

14. Бюджетдан маблағ олувчи муассаса ва ташкилотлар тизим ташкилотлари учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

тизим бўйича ҳар бир бюджет ташкилотлари раҳбар ходимларини мазкур масалада шахсий масъулияти ва жавобгарликларини белгилаш;

бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ҳамда ўғирлик ва камомадларини олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан тизимли ишлар ташкил этиш вазифалари топширилсин.

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

15. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

16. Республика вазирлик ва идоралари, шу жумладан вилоят бошқарма ва ташкилотлари Ишчи гуруҳлари томонидан туманда ўтказиладиган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилаётган "Йўл харита"лари, баёнлари билан тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

17. Мазкур қарор Шовот туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган "Шовот истиқболи" газетасида эълон қилинган кундан кучга киради.

18. Халқ депутатлари Шовот туман Кенгашининг ушбу қарори туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши таъминласин.

19. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Шовот туман Кенгаши раиси, туман ҳокими **Х.Отаханов**

Халқ депутатлари
Шовот туман Кенгашининг
2019 йил « 18 » декабрдаги
63/224-сонли қарорига
1-илова

Туман маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

	Даромад турлари	Сумма
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	5 189 329
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	16 786 710
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 084 000
5	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	4 645 000
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 397 000
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 134 493
8	Юридик шахслар ер солиғи	4 673 000
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	3 984 000
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	114 000
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	192 000
12	Давлат божи	
13	Жарималар	
14	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	
15	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	39 000
16	Йиғимлар	
ЖАМИ		**43 238 532**
	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	**13 430 940**
	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	8 622 330
	Мобиль алоқа хизмати	4 808 610
ЖАМИ ДАРОМАД		**56 669 472**

Халқ депутатлари
Шовот туман Кенгашининг
2019 йил «18» декабрь даги
63-XII-сонли қарорига
2-илова

2020 йил учун Шовот тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**106 283 891,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**101 624 397,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар (индексация харажатлари)	**4 659 494,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	**Халқ таълими бўлими**	**4 739 027,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 739 027,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**10 043 902,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 043 902,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	**Тиббиёт бирлашмаси**	**43 150 704,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	43 150 704,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Маданият бўлими**	**3 599 703,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 599 703,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5.	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**1 660 388,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 660 388,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**471 870,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	471 870,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Ирригация бўлими**	**1 194 048,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 194 048,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

9.	**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**	**623 007,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	623 007,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**1 174 706,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 174 706,0
10.	**Меҳнат бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
11.	**Молия бўлими**	**5 380 870,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	721 376,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар (индексация харажатлари)	4 659 494,0
12.	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**7 960 661,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 960 661,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Ҳокимият**	**25 109 071,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	25 109 071,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими**	**605 932,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	605 932,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлими**	**570 002,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	570 002,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Шовот туман Кенгашининг
2019 йил «18» декабрь даги
_____-сонли қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан	Акциз солиғи: бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови
1	Шовот туман		100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Шовот туман Кенгашининг
2019 йил « 18 » декабрдаги
63-228 -сонли қарорига
4-илова

Шовот туман маҳаллий бюджетининг заҳира жамғармаларининг миқдорлари

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Заҳира жамғармалари миқдори
1	Шовот тумани	1 571 000,0

Халқ депутатлари
Шовот туман Кенгашининг
2019 йил «18» декабрь даги
63-228-сонли қарорига
5-илова

Шовот туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Миқдор
1	Шовот туман	838 000,0